

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯҚУБОВ ОЙБЕК ЭРГАШ ЎҒЛИ

**ЧОВ ЧУРРАЛАРИ ХИРУРГИЯСИДА ДАВОЛАШ ЁНДАШУВЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Якубов Ойбек Ергаш ўғли

Чов чурралари хирургиясида даволаш

ёндашувларини такомиллаштириш..... 3

Якубов Ойбек Эргаш угли

Совершенствование подходов к

лечению при хирургии паховых грыж..... 27

Yakubov Oybek Ergash ugli

Improvement of treatment approaches

in inguinal hernia surgery..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯҚУБОВ ОЙБЕК ЭРГАШ ЎҒЛИ

**ЧОВ ЧУРРАЛАРИ ХИРУРГИЯСИДА ДАВОЛАШ ЁНДАШУВЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Tib4152 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tashmeduni.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саттаров Ойбек Тохирович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баймаков Сайфиддин Рисбаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Горский Виктор Александрович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-28, e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел.: (99871) 214-82-90)

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.С. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Ирназаров

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Ж.Матмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қорин олд девори чурралари энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, соғлиқни сақлашнинг глобал муаммоси ҳисобланади. Қорин олд деворининг барча чурраларидан чов чурраси 75% ҳолларда учрайди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...айниқса эркакларда чов чурралари муаммолари жуда кўп учрайди ва ўртача чов чурралари бўйича герниопластикалар чурраларнинг 75% ни ташкил қилади...»¹. Чов чурраларининг мураккаб ва асоратланган шаклларида доимо ечим топиш бир мунча қийинчилик туғдириб келмоқда. Анъанавий таснифга кўра, гигант чов-ёрғоқ чурраси деб аталувчи шакли герниопластикалардан кейин қайталаниш фоиизи бўйича 25-35%га етиб боради. Ва айнан бу турдаги чурраларни ҳажми ва шаклига кўра пластика турини танлаш бўйича олимларнинг фикри ҳар хил. Чов-ёрғоқ чурраларининг ўлчамлари ва рецидивланиш сони бўйича ҳам аниқ бир тасниф мавжуд эмас. Учраш сонининг кўплиги ва долзарблигига қарамадан чов-ёрғоқ чурраларида кам инвазив ва очиқ усулларни қўллаш бўйича адабиётларда илмий тадқиқот ишлари жуда кам ёритилганлиги сабабли даволаш усулларини такомиллаштириш заруратини тақазо этмоқда.

Жаҳонда герниологияни жарроҳликнинг ихтисослашган соҳаси сифатида ривожлантиришига бўлган қизиқиш ҳамда даволаш чораларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чов чурраларининг мураккаб турларида диагностика ва турли замонавий жарроҳлик усуллари кўллаш кам ўрганилганлиги аниқланган бўлиб, айтиш мумкин бўладики ушбу масалаларни чуқур таҳлил қилишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мураккаб чов чурраларини муайян кўрсаткичлар орқали даражаларга ажратиш ва шу даражалар орқали мураккаб чов чурраларида даражаси мос келадиган замонавий жарроҳлик даволаш натижаларини комплекс таҳлил қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мураккаб чов чурраларида амалиёт вақтида чурра махсулотини чурра қопидан ажратишда ичак десерозланиши, қорин пардани ажратишда мушак-апоневротик қават шикастланиши, уруғ тизимчаси элементларининг зарарланиши, қон-томирларнинг шикаст етиши ва шу сабабли мураккаб чов чурраларида анъанавий очиқ усулдан фойдаланган ҳолда амалиётдан кейинги даврда жароҳат йиринглаши, чурра қайталаниши кўп кузатилади. Шу боис мазкур асоратларнинг олдини олиш ва учраш частотасини камайтириш баҳолаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат

¹ N. Dabbas, K. Adams, K. Pearson, G.T. Royle, Frequency of abdominal wall hernias: is classical teaching out of date? J. R. Soc. Med. Sh. Rep. 2 (1) (2011) 1–6, <https://doi.org/10.1258/shorts.2010.010071>

кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда чов чурралари мурракаб турлари билан хасталанган беморларни комплекс даволашда индивидуал даволаш усулларини такомиллаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 215 сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги ПФ 156 сон “Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 6 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом еттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ 6221 сон, 2022 йил 29 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ 60 сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266 сон “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорин олд девори чурралари энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, соғлиқни сақлашнинг глобал муаммоси ҳисобланади. Қорин олд девори чурралари орасида чов чурралари кўпчиликни ташкил қилади. Чурра касаллиги беморнинг ҳаёт сифатини пасайтиради ва оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Хусусан, чов чурраси ривожланишининг умрбод хавфи эркакларда 27-43% ни, аёлларда 3-6% ни ташкил қилади. Барча ютуқларга қарамай, барча беморларнинг 11 фоизи чов чуррасини бирламчи бартараф этишдан сўнг қайталанишдан ва 10-12 фоизи сурункали оғриқдан азият чекади. Жумладан, С.Т.Сапиева ва б. (2024) томонидан олиб борилган илмий тадқиқотда тўрсиз чов чурраларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича замонавий маълумотлар келтирилган, энг кенг тарқалган усуллар ажратиб кўрсатилган, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ўрганилган. Анураг Сингх ва б. (2024) ўз илмий ишларида чов чурраси операциясида ўз-ўзидан ёпишувчи алломатериални чок билан маҳкамланган алломатериал билан таққослаш орқали рандомизацияланган назоратли тадқиқотларни таҳлил қилишган. Ж.Д. Корбитт маълумотларига

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

кўра, чов соҳасининг киритилган асбобга нисбатан нотўғри йўналтирилганлиги сабабли, 11% гача бўлган ҳолларда чурра халтасини ажратишда техник қийинчиликлар мавжуд. Шундан сўнг, 5% ҳолларда маҳаллий гематома ривожланади. Ҳонгминг Зҳанг ва б. ТАРР муолажаси чов чуррасини даволашда аниқ ташхис қўйилганда хавфсиз ва амалга ошириш мумкин бўлган муолажа ҳисобланади, бироқ аниқ жарроҳлик муолажасини интраоператсион маълумотлар асосида белгилаш лозим.

МДХ давлатлари олимлари томонидан герниологияда бир мунча олдинга силжишга сабаб бўлди, рецидивлар сони кескин камайди. А.В.Протасов ва Н. Ж.Купер (2022) ларнинг маълумотида кўра, адекват бажарилган Лапароскопик герниопластикалардан кейин чов чурралари бўйича жарроҳга қайта мурожат 10% дан 2% га тушган. А.В.Аболмасов (2012) ва б. мураккаб ва қайталанган чов чурраларида лапароскопик герниопластикадан кейин асоратларнинг: чов соҳаси гематомаларини (12.0% дан 5,5% га), операция томонида невралгия ва парестезияни (15.2% дан 5,5% гача) частотаси камайганлигини таъкидлайди. Г.Р.Аскерханов ва бошқ. (2020) маълумотларига кўра, операциядан кейинги асоратларнинг частотаси беморлар ёшининг ошиши билан ортишиш, чурра тури ва пластика усулига бевосита боғлиқ бўлишини таъкидлаган. Бу чов чурраларида Лапароскопик герниопластикаларнинг ўрни ва аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан чов чурраларни даволаш ва профилактикаси масалалари, жумладан, чурраларнинг клиник кечиши, диагностикаси ва хирургик даволаш усуллари такомиллаштириш, турли герниопластика усуллариининг самарадорлиги ва асоратлари, синтетик тўр материаллардан фойдаланишнинг натижалари кенг ўрганилган (О.Б.Хужамов, 2019; О.Т.Алишев, 2012; Ш.Р.Рахимов, 2016; Б.А.Каримов, 2018; О.Т.Саттаров, 2018; А.А.Юсупов, 2020; Ф.Ж.Турсунов, 2015). Бироқ, мураккаб чов чурралари учун клиник тасниф амалиётга тўлиқ жорий этилмаган, улар асосидаги ҳар бир таснифга мос даволаш ёндашувлари бўйича мақсадли йўналтирилган илмий тадқиқотлар мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу диссертация иши айнан шу эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, мураккаб чов чурраларининг градацияларини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқиш йўли билан уларни идентификация қилган ҳолда беморларга индивидуал ёндашувлар асосида даволаш алгоритминини ишлаб чиқишни талаб этади ва мавзунинг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий таълим муассасасида илмий-тадқиқот ишларининг режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг № 01.01500212, 001 шифр ли “Инсоннинг жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва даволашнинг патогенетик асосланган усуллариини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” (2019-2024-йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мураккаб чов чурраларида индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқиш йўли билан кам инвазив жарроҳлик даво натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мураккаб чов чурраларини анъанавий жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш ҳамда очик ва лапароскопик усуллардан фойдаланган ҳолда интроперацион ва операциядан кейинги асоратларнинг юқори частотасининг асосий сабабларини аниқлаш;

мураккаб ва катта чов-ёрғоқ чурраларининг техник мураккаблик даражасини объективлаштириш учун анатомик-морфологик, клиник ва интраоперацион мезонлар асосида соддалаштирилган идентификация таснифини ишлаб чиқиш ва асослаш;

чов чурраларининг техник жиҳатдан мураккаб шаклларида лапароскопик комбинирланган (гибрид) герниопластика усули (TAPP + Hand assist) технологиясини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш;

таклиф этилган тасниф асосида мураккаб чов чурралари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг мақбул усулини индивидуал танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва унинг клиник самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси Торакоабдоминал жарроҳлик бўлимида чов чурралари билан стационар даволанган 203 нафар бемор киритилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида мураккаб чов чурралари мавжуд беморларни комплекс текшириш, ҳамда аллопластика усулини танлашга табақалаштирилган ёндашув орқали жарроҳлик даволаш натижаларининг таҳлили олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: тадқиқотда мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун умумий клиник, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анатомик-морфологик, клиник ва интроперацион мезонларнинг комплекс таҳлили асосида мураккаб ва катта чов чурраларининг ўзига хос идентификацияловчи таснифи ишлаб чиқилди, бу уларнинг техник мураккаблик даражасини объективлаштириш ва оптимал жарроҳлик тактикасини дифференциал аниқлаш имконини бериши исботланган;

чов чурраларининг мураккаб шаклларида герниопластиканинг лапароскопик комбинирланган усулининг янги технологияси ишлаб чиқилган ва илмий асосланган бўлиб, у ўзига хос техник усуллар, босқичлар кетма-кетлиги ва асбоб-ускуналарни ўз ичига олади, бу эса ушбу тоифадаги беморларни минимал инвазив даволаш имкониятларини кенгайтириши исботланган;

мураккаб чов чурралари билан оғриган беморларда чурра нуқсонининг тури ва мураккаблик даражасига, ҳамроҳ омилларга ҳамда беморнинг индивидуал хусусиятларига қараб лапароскопик, комбинирланган лапароскопик-очик ва анъанавий очик герниопластика усулларини қўллашга аниқ табақалаштирилган кўрсатмалар аниқланган ва илмий исботланган;

таклиф этилган тасниф ва табақалаштирилган кўрсатмалар тизимига асосланган мураккаб чов чурраларини жарроҳлик даволаш усулини индивидуал танлаш алгоритми ишлаб чиқилди ва клиник амалиётга жорий этилиши ва алгоритмнинг самарадорлиги даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чов-ёрғоқ чурраларини градациялаш мезонларига асосланган мураккаб чов чурраларининг соддалаштирилган ишлаб чиқилган ва таклиф этилган ишчи таснифи амалий герниология учун мўлжалланган бўлиб, чурра нуқсонининг техник мураккаблик даражасини тезда аниқлаш имконини беради ва реал клиник амалиёт шароитида жарроҳлик даволашнинг энг мақбул усулини танлашни осонлаштиришга асосланган;

мураккаб чов чурраларини, хусусан, қабул қилинган тасниф бўйича III Б турдаги чурраларни жарроҳлик йўли билан даволаш муаммосини самарали ҳал этишни таъминлайдиган герниопластиканинг лапароскопик комбинирланган усулининг ишлаб чиқилган ва жорий этилган оригинал технологияси ушбу тоифадаги беморларда минимал инвазив аралашув имкониятларини кенгайтиришга асосланган;

беморнинг индивидуал анатомик-морфологик хусусиятларини, чурра нуқсонининг тури ва мураккаблик даражасини ҳисобга олган ҳолда, мураккаб чов чурраларида герниопластиканинг турли усуллари (лапароскопик, комбинирланган лапароскопик-очиқ ва анъанавий очиқ) танлаш учун аниқ табақалаштирилган кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва илмий асосланган;

мураккаб чов чурраларининг хирургик даволаш учун индивидуал ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга жорий этилган алгоритмини қўллаш операциядан кейинги даврда қайталанишлар частотасини сезиларли даражада камайтириш ва ушбу патология билан оғриган беморларни даволашнинг умумий натижаларини яхшилаш имконини бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндашув ва усуллар назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мураккаб чов чурраларини таснифлаш, жарроҳлик тактикаси ва даволашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш билан белгиланади, бу эса замонавий герниологиянинг ривожланишига муайян ҳисса қўшади. Таклиф этилган тасниф, лапароскопик комбинирланган усул технологияси ва жарроҳлик аралашувини индивидуал танлаш алгоритми техник жиҳатдан мураккаб чурраларни минимал инвазив даволаш имкониятлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларни кенгайтиради. Олинган маълумотлар беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, операциядан кейинги

эрта ва кечки асоратлар частотасини камайтиришга, шунингдек, касалликнинг қайталаниш сонини камайтиришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш алгоритмларини клиник амалиётга кенг жорий этиш мумкинлиги билан изоҳланади. Таклиф этилган усуллар қўллаш қулайлиги, юқори самарадорлиги ва давомийлиги билан ажралиб туради. Улардан фойдаланиш жарроҳлик тактикасини танлашни оптималлаштириш, операция вақтини қисқартириш, беморларнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартириш, соғлиқни сақлаш тизими ва беморларнинг иқтисодий харажатларини камайтириш, шунингдек, мураккаб чов чурралари бўлган беморларга ихтисослаштирилган жарроҳлик ёрдами кўрсатишнинг умумий самарадорлигини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чов чурраси мураккаб тури билан хасталанган беморларда индивидуал ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган алгоритм бўйича даволаш усулларини такомиллаштиришдан олинган илмий натижалар:

биринчи илмий янгилик: мураккаб чов чурраларининг градацияларини белгиловчи мезонлар асосида мураккаб ва катта чов чурраларининг идентификатсияловчи таснифи ишлаб чиқилиб, унинг аҳамияти бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январь 01-25/456-сон билан тасдиқланган «Чов чурралари хирургиясида даволаш ёндашувларини такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.03.2025 йилдаги № 559-10-146-ТБ/2025 сон буйруқ ҳамда Жиззах вилояти Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.03.2025 йилдаги № 437-3-52-ТБ/2025 сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 7-октябрдаги 26-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Мураккаб чов чурраларининг градацияларини белгиловчи мезонлар асосида чов чурраларининг идентификатсияловчи таснифи яратилиши беморларда юзага келадиган асоратларни камайтиришга имкон берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Мураккаб чов чурраси мавжуд бўлган беморлар ундан халос бўлиши учун бир эмас бир неча маротаба жарроҳлик амалиётини ўтказишни талаб этади. Шу муносабат билан, энг мақбул усулни танлаш беморларнинг ўртача стационар даволаниш кунларини қисқартириши, лаборатор ва инструментал текширув усулларига сарфланадиган маблағларни камайтириши ҳисобига 3150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига олиб келди. **Хулоса:** Ишлаб чиқилган мураккаб чов чурралари идентификатсияловчи таснифини қўллаш натижасида, беморларга индивидуал равишда даволаш тактисини танлаш, операциядан кейинги асоратларни камайиши ва шифохонада ўртача даволаниш кунлари ва реабилитация даврини қисқариши ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига 3150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик беморларнинг мураккаб чов чурраларида лапароскопик комбинирланган усулини қўллаш технологияси ишлаб чиқилган ва унинг аҳамияти бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январь 01-25/456-сон билан тасдиқланган «Чов чурралари хирургиясида даволаш ёндашувларини такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.03.2025 йилдаги № 559-10-146-ТБ/2025 сон буйруқ ҳамда Жиззах вилояти Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.03.2025 йилдаги № 437-3-52-ТБ/2025 сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 7-октябрдаги 26-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** Мураккаб чов чурраларида лапароскопик комбинирланган усулини қўллаш технологияси ишлаб чиқилиши билан беморларда такомиллаштирилган даволаш усулини қўллаш имконияти яратилди. **Иқтисодий самарадорлиги:** мураккаб чов чурраси мавжуд беморларда ўтказилган жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда жароҳатнинг тез битиши ўртача стационар даволаниш кунларини қисқартириши, лаборатор ва инструментал текширув усулларига сарфланадиган маблағларни камайтириши ҳисобига 3150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига олиб келди. **Хулоса:** Мураккаб чов чурралари III-даражасида лапароскопик комбинирланган усулини қўллаш натижасида, операция давомийлик вақтини қисқариши, шифохонада даволаниш кунлари ва реабилитация даврини қисқариши ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига 3150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик мураккаб чов чурралари хирургиясида индивидуал ёндашувлар асосида лапароскопик, комбинирланган ва очик усулларга аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва унинг аҳамияти бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январь 01-25/456-сон билан тасдиқланган «Чов чурралари хирургиясида даволаш ёндашувларини такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.03.2025 йилдаги № 559-10-146-ТБ/2025 сон буйруқ ҳамда Жиззах вилояти Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.03.2025 йилдаги № 437-3-52-ТБ/2025 сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 7-октябрдаги 26-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** Мураккаб чов чурраларида индивидуал ёндашувлар асосида лапароскопик, комбинирланган ва очик усулларга аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилиши билан беморларда амалиётдан кейинги жароҳатдаги асоратларнинг камайтилишига ва ҳаёт сифатининг яхшиланишига эришилди. **Иқтисодий самарадорлиги:** мураккаб чов чурраси бўлган беморлар ундан халос бўлиши учун амалиётдан кейинги асоратларнинг камайтилишига қаратилган аниқ усуллардан фойдаланилган. Шу муносабат билан, энг мақбул усулни танлаш беморларнинг ўртача даволаниш

кунларини қисқартириши, лаборатор ва инструментал текширув усулларига сарфланадиган маблағларни камайтириши ҳисобига 3150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига олиб келди. **Хулоса:** Мураккаб чов чурраларида оптимал жаррохлик ёндашувини аниқ кўрсатмалар асосида танлаш, беморларга индивидуал равишда даволаш тактисини танлаш натижасида, шифохонада даволаниш кунлари ва реабилитация даврини қисқариши ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига 3150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик мураккаб чов чурралари хирургиясида индивидуал ёндашувлар асосида амалий тиббиётда муҳим бўлган алгоритм ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январь 01-25/456-сон билан тасдиқланган «Чов чурралари хирургиясида даволаш ёндашувларини такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.03.2025 йилдаги № 559-10-146-ТБ/2025 сон буйруқ ҳамда Жиззах вилояти Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.03.2025 йилдаги № 437-3-52-ТБ/2025 сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 7-октябрдаги 26-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Мураккаб чов чурраларида индивидуал ёндашувлар асосида амалий тиббиётда муҳим бўлган алгоритм ишлаб чиқилиши билан беморларда асоратларнинг юзага келиш частотасининг камайишига эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мураккаб чов чурраси мавжуд бўлган беморлар ундан халос бўлиши учун бир эмас бир неча маротаба жаррохлик амалиётини ўтказишни талаб этади. Шу муносабат билан, энг мақбул усулни танлаш беморларнинг ўртача стационар даволаниш кунларини қисқартириши, лаборатор ва инструментал текширув усулларига сарфланадиган маблағларни камайтириши ҳисобига 3150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига олиб келди. **Хулоса:** Мураккаб чов чурралари мавжуд беморларда ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиб, беморларга индивидуал равишда даволаш тактисини танлаш натижасида, шифохонада даволаниш кунлари ва реабилитация даврини қисқариши ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига 3150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижасида олинган маълумотлар 5, жумладан 2 халқаро ва 3 маҳаллий илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларида 6 та мақола, улардан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, 1 та услубий тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг матнли материал ҳажми 102 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий диссертасия ишининг долзарблиги ва муҳимлиги асосланади, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилади, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти берилади, ушбу иш натижаларини тасдиқлаш ва нашр етиш тўғрисида маълумот берилади, ушбу ишнинг ҳажми ва қисқача тузилиши тақдим етилади.

Диссертациянинг «**Мураккаб чов чурралар хирургиясида замонавий ёндашувлар, диагностика ва даволашдаги муаммолар ва уларнинг илмий таҳлили**» биринчи бобидаги адабиётлар шарҳида қўлланаётган ташхисот усулларининг ўзининг қўлланилиш чегаралари ва афзалликлари, мураккаб чов чурраларни ташхислаш ва даволаш учун энг мақбул усуллар бўйича тавсиялар келтирилган. Тадқиқот доирасида адабиётлардан маълумотлари келтирилиб ўтилган. Таҳрирда охириги ўн йил ичида қилинган ишлар акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва қўлланилган текшириш усуллари**» номли иккинчи бобида жами 203 нафар беморда олиб борилган натижалар келтирилган бўлиб, ушбу беморлар 2019-йилдан 2024-йилгача бўлган даврда Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси Торакоабдоминал жарроҳлик бўлимда даво муолажалари олган. Ишлаб чиқилган дизайн бўйича ташхислаш ва даволаш чора тадбирларини ўз ичига олган чов чурралари, жарроҳлик амалиётлари ва асоратларини аниқлашда қўлланиладиган баҳолаш усуллари ва текширувлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Барча беморлар эркак жинсига мансуб.

Чов чурраси туфайли жарроҳлик амалиёти ўтказган беморларнинг ёшига доир гуруҳлар бўйича тақсимланиши 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Беморларнинг ёшга доир тақсимланиши

Ёш	Назорат	Асосий	Жами
20 ёшгача	3 (1.5%)	3 (1.5%)	6 (2.9%)
21-44 ёш	19 (9.4%)	30 (14.8%)	49 (24.1%)
45-60 ёш	22 (10.8%)	21 (10.3%)	43 (21.2%)
61-74 ёш	58 (28.6%)	35 (17.2%)	93 (45.8%)
75 ёш ва ундан катта	8 (3.9%)	4 (2%)	12 (6%)
Жами	(110 бемор) 54.2 %	(93 бемор) 45.8 %	203 (100%)

1-жадвалда кўриниб турибдики, 6 (2.9 %) нафар бемор 20 ёшгача бўлган беморларни ташкил қилади. 43 (21.2 %) нафар бемор 45 ёшдан 60 ёшгача бўлиб, уларнинг 22 (10.8 %) назорат гуруҳидаги ва 21 (10.3 %) нафари асосий гуруҳдаги беморларни ташкил қилади. 93 (45.8 %) нафар бемор 61 ёшдан

катталар бўлиб, уларнинг 58 (28.6 %) назорат гуруҳидаги, ҳамда 35 (17.2%) нафари асосий гуруҳидаги беморларни ташкил қилади.

Тадқиқот гуруҳларининг иккаласида ҳам беморларнинг ўртача ёши статистик жиҳатдан ишинчли даражада таққосланадиган бўлди: асосий гуруҳда – 51.6+0,3 ёш, назорат гуруҳида – 57.9+1,0 ёш ($p>0,05$).

2-жадвал

Беморларнинг чурра анамнези муддатлари бўйича тақсимланиши

	Муддат					Жами
	1 йилгача	1-3 йил	4-6 йил	7-10 йил	10 йилдан кўп	
Назорат	31(15.3%)	32(15.7%)	28(13.7%)	15(7.4%)	4(1.9%)	110 (54.2%)
Асосий	23(11.3%)	33(16.4%)	21(10.4%)	11(5.4%)	5(2.5%)	93 (45.8%)
Жами	54(26.6%)	65(32.1%)	49(24.1%)	26(12.8%)	9(4.4%)	203 (100%)

Бу жадвал беморларнинг чурра анамнези муддатлари келтирилган. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, беморларнинг асосий қисмининг чурра анамнези 1 йилгача (54 (26.6 %)), 1-3 йилгача (65 (32.1 %)) ва 4-6 йилгача (49 (24.1 %)) ни ташкил қилади. Чурра анамнези 9 (4.4 %) нафар беморда энг узок муддат 10 йилдан ортиқ бўлган.

Бундан ташқари, тадқиқот гуруҳларида қўшимча касалликлари мавжуд беморлар қуйидагича:

3-жадвал

Беморларнинг қўшимча касалликлари бўйича тақсимланиши

Қўшимча касаллик	Назорат	Асосий	Жами
	Нафар, %	Нафар, %	
ЮИК (ИККС)	4 (1.9%)	3 (1.5%)	7 (3.4%)
ЎСОК	3 (1.5%)	5 (2.5%)	8 (4%)
Атеросклероз, синдром Такаясу	15 (7.4%)	10 (4.9%)	25 (12.3%)
Қандли диабет	4 (1.9%)	5 (2.5%)	9 (4.4%)
Жами	26 (12.7%)	23 (11.4%)	49 (24.1%)

Жадвалдан кўриниб турибдики, беморларнинг 24 фоизида қўшимча патологиялар аниқланган. Биргаликда касалликларнинг пайдо бўлиши унчалик кенг тарқалмаган эди, чунки таҳлил қилинган беморлар асосан ёш эди, таққосланган гуруҳларда уларнинг частотаси тахминан тэнг эди. Қоида тариқасида, тегишли патологиялар катта ёш гуруҳида аниқланади (3-жадвал). Жарроҳлик амалиёти ўтказган беморларда юрак ишемик касаллиги, уйқу қон томирлари атеросклерози, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва қандли диабет каби ҳамроҳ касалликлар энг кўп аниқланди: асосий гуруҳда- 11.4 %, назорат гуруҳида -12.7 %.

Шундай қилиб, клиник материалнинг берилган батафсил тавсифи беморларнинг умумий ҳолатини баҳолашга имкон беради ва таққосланган гуруҳлардаги кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш клиник гуруҳларнинг вакили ва тадқиқотларнинг етарлилигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Мураккаб чов чурраларининг диагностика ва анъанавий даволаш натижаларининг таҳлили**» номли учинчи бобида ушбу патологияни даволашда анъанавий ёндашувнинг клиник натижалари келтирилган. Даволашнинг анъанавий меъзонларига кўра чов чурраси ташхиси билан мурожаат қилган барча беморларга жарроҳлик амалиёти бажарилган.

Биз чов чурра билан оғриган беморларда анъанавий ва ЕВЖ натижаларини ўрганиб чиқдик. Анъанавий ва ЕВЖ натижаларининг асосий мезонлари куйидагилар: жарроҳлик амалиётининг давомийлиги, операсия давомидаги мураккаб ва қийин ҳолатлар, интраоперацион ва операсиядан кейинги асоратлар, операсиянинг косметик жиҳатлари ва беморларнинг амбулатория шароитида жарроҳ олдига ташриф буюриши.

Назорат гуруҳидаги беморлар Л.М.Нихус таснифи бўйича энг кўп III Б турда (34.6%), энг кам IV Д турда (9.1%) аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Назорат гуруҳидаги беморларнинг Л.М. Нихус таснифи бўйича тақсимланиши (n=110)

ТУРИ	Моно-латерал	Билатерал	Жами
III Б тур	49	5	54 (49.1%)
IV А тур	29	4	33 (10.0%)
IV Б тур	11	2	13 (11.8%)
IV Д тур	9	1	10 (9.1%)
Жами	98 (89.1%)	12 (10.9%)	110 (100%)

Лихтенштейн усули бўйича операсиянинг ўртача давомийлиги бир томонлама $55,4 \pm 4,2$ дақиқа ва икки томонлама чурра билан $105,6 \pm 4,4$ дақиқани ташкил етди.

5-жадвал

Лихтенштейн бажарилган назорат гуруҳидаги беморларда операсиядан кейинги асоратларнинг турлари (n=110)

Асорат	Беморлар сони
Серома	3 (2.7%)
Гематома	4 (3.6%)
Неврологик оғриқ	3 (2.7%)
Ресидив	2 (1.9%)
А/к соҳа йиринглаши	3 (2.7%)
Жами	15 (13.6%)

Лихтенштейн операсиясини тугатгандан сўнг беморлар операсиядан кейинги кунларда фаол бўлишди. Операсиядан кейинги даврда куйидаги асоратлар кузатилди: амалиётдан кейинг соҳадаги яра серомаси – 3 (2.7%) беморда, невралгик оғриқлар (одатда ўнг томонлама Лихтенштейн билан) – 3 (2.7%), чов гематома – 4 (3.6%), амалиётдан кейингим соҳа йиринглаши 3 (2.7%) нафар беморда кузатилди.

Лапароскопик герниопластикадан кейин беморларнинг ўртача касалхонада қолиш муддати $6,1 \pm 1,2$ ётоқ кунини ташкил етди. Операсиядан кейин беморлар 7-8 кун давомида операсиядан олдинги нормал фаолиятга қайтишди. Жарроҳ олдида ташриф буюриб кундалик боғламларни алмаштиришга эҳтиёж йўқ эди. Амбулатория шароитида жарроҳнинг олдида ўртача ташрифи $10,3 \pm 1,4$ кунни ташкил етди. 2-3 йил кузатув давомида рецидивлар кузатилди. 1 (0.9%) нафар беморда чурра қайталаниши кузатилди. Бу беморга ТАРР амалиёти бажарилди (7-жадвал).

ТАРР ни амалга ошириш учун умумий наркоз зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, юқори анестезиологик хавфи бўлган беморларда (ЮИК, ЎСОК) уни амалга ошириш мумкин эмас эди. Бундай ҳолларда, бугунги кунда Лихтенштейн усули қўлланилади (агар спинал наркоз қилиш мумкин бўлса).

Сўнгги пайтларда ТАРР техникасини амалга оширишнинг асосий кўрсаткичи қорин бўшлиғи органларининг бошқа қўшма патологиясининг мавжудлиги бўлиб, биз уни симултан усулда бажаришимиз мумкин.

ТАРР операсиясининг давомийлиги бир томонлама чуррада ўртача $76,4 \pm 4,2$ дақиқа ва икки томонлама чуррада $124,2 \pm 4,3$ дақиқа (симултан операсияга ўтган вақтни ҳисобга олмаганда).

Диагностик лапароскопия босқичида 4 (3.6%) ҳолатда, кичик чанок соҳасида қорин парда перитонеал варағи ва ингичка ичак ўртасида баъзи чандиқланишлар аниқланди. Ушбу беморларда лапароскопик адгезиолизис бажарилди.

Қорин бўшлиғининг париетал варағини чов чурра зонасида ажратиш билан, 3 (2.7%) ҳолларда маҳаллий, мушак-апоневротик қатламнинг шикастланиши қайд етилди, бу мушаклараро қон кетишини тўхтатиш учун қўшимча вақт талаб қилди. 3 (2.7%) ҳолларда қорин парда париетал варағи билан биргаликда уруғ тизимчаси элементлари билан йиртиб ташлади. Изоляция босқичида илгак билан ишлаганда, қорин парда париетал варағига яқин бўлган тасодифий олинган маҳаллий нерв толалари ҳам хавф туғдирди, биз шунга ўхшаш ҳодисани 2 (1.8%) ҳолатда қайд этдик.

Ташқи чов ҳалқани ажратиш босқичида биз чов соҳадаги қон томирларининг шикастланишини аниқладик. Шундай қилиб, уруғ тизимчасининг томирларининг шикастланиши 3 (2.7%), пастки эпигастрал артериянинг шикастланиши 1 (1.8%), сон венасининг тармоғи зарарланиши 1 (0,9%) ҳолатда кузатилди. 1 (0.9%) нафар беморда чурра маҳсулоти ингичка ичак тўғрилаш мобайнида десерозланиши кузатилди ва бунда лапароскопик бартарф этилди.

6-жадвал

**ТАРР да интраоперацион анатомик структураларнинг
жароҳатланиши (n=110)**

Зарарланган орган	Қорин пардани ажратишдан аввал	Қорин пардани ажратишдан сўнг
Маҳаллий мушак- апоневротик қават	3 (2,7%)	-
Уруғ тизимчаси элементлари	2 (1,8%)	1 (0,9%)
Пастки эпигастрал артерия	-	1 (0,9%)
Маҳаллий нерв шохи	2 (1,8%)	-
Сон венаси тармоғи	-	1 (0,9%)
Ингичка ичак десерозланиши	1 (0,9%)	-
Жами	8 (7,3%)	3 (2,7%)
Ҳаммаси	11 (10,0%)	

Қоида тариқасида, ТАРР ни тугатгандан сўнг беморлар кейинги кунларда фаол бўлишди. ТАРР дан кейин 1 ва 7-кунларда мажбурий чов соҳасининг ултратовуш текшируви ўтказилди. Ултратовуш текшируви дастлабки босқичларда чов соҳада кичик суюқликларни (серомалар, гематомалар) аниқлашга имкон берди.

7-жадвал

**ТАРР бажарилган назорат гуруҳидаги беморларда операциядан кейинги
асоратларнинг турлари (n=110)**

Асорат	Беморлар сони
Гематома	4 (3,6%)
Неврологик оғриқ	5 (4,6%)
Рецидив	1 (0,9%)
Жами	10 (9,1%)

Операциядан кейинги даврда қуйидаги асоратлар кузатилди: неврологик оғриқлар – 5 (4,6%), чов гематомаси – 4 (3,6%). Қалинлиги 1 см гача бўлган гематомалар аниқланганда консерватив сўрилувчи терапия буюрилди. Уларнинг қалинлиги каттароқ бўлса, пункция амалга оширилди. Қоида тариқасида, битта пункция етарли эди, камдан-кам ҳолларда иккинчисига муҳтожлик бор эди.

Пункция соҳасидаги юмшоқ тўқималарнинг яллиғланиши 2 беморда (1,8%) қайд етилди. Бундай вазиятда антибиотик терапия кучайтирилди ва кунига икки марта димексид эритмаси билан боғламларни алмаштириш амалга оширилди.

Кўшимча хирургик жарроҳлик патологияси билан барча беморларга симултан ЕВЖ бажарилади. Бироқ, операция пайтида ва ундан кейин баъзи техник қийинчиликлар ҳисобига операцион асоратлар қайд этилди.

Бир ҳолатда, киндик чурраси мавжуд беморда оптикани ўрнатиш вақтида катта чарвининг шикастланиши ва қон кетиши қайд этилган. Бундай ҳолда, катта чарвининг бир қисми ташқи томонга тортилади ва шикастланган қисми тикилади. Операция давомийлиги ўртача $137 \pm 5,2$ дақиқани ташкил етди. Киндик чурраси 3 см дан катта бўлган 1 (0,9%) беморда операция ярасидан кейин яллиғланиш кузатилди, бу ерда 7 кун давомида маҳаллий даволаниш олиб борилди. Бундан ташқари, узоқ вақт давомида ушбу тоифадаги беморнинг 1 (0,9%) ярим йилдан кейин киндик чурраси қайталанди.

ЛХЭ ва жигарнинг Лапароскопик кистэктомиясини амалга оширишда алоҳида қийинчиликлар юзага келмади.

Назорат гуруҳидаги қўшма патологиялардан техник қийинчиликлар ЕВЖ да семизлик мавжуд беморларда ҳам қайд этилган.

Ушбу тоифадаги беморларнинг Лихтенштейн амалиётлари қуйидагича амалга оширилади. Операция давомийлиги бир томонлама чуррада ўртача $79,4 \pm 4,8$ дақиқа ва икки томонлама чурра билан $118 \pm 5,1$ дақиқа кетди. Ортиқча вазни (ТВИ 30 кг/м² дан юқори) беморларда кўпроқ салбий ҳолатлар қайд этилди. 2 (1,8%) ҳолатларда маҳаллий гематома ривожланди.

Назорат гуруҳида тана массаси индекси (ТВИ) 30 кг/м² дан паст бўлган беморларда ТАРР операциясининг давомийлиги бир томонлама чуррада ўртача $80,2 \pm 3,2$ дақиқа ва икки томонлама чуррада $127,1 \pm 2,4$ дақиқа, ТВИ 30 кг/м² дан юқори бўлган беморларда - мос равишда $102 \pm 4,1$ ва $151,3 \pm 3,4$ дақиқа давом этди. Қорин парданинг уруғ тизимчасидан ажратиш маҳалида уруғ тизимчаси веноз чигалига зарар етказилгани ҳисобига 1 та ҳолатда гематома ҳосил бўлди.

Лапароскопик амалиётлар техникасини такомиллаштириш улардан фойдаланиш кўрсаткичларини кенгайтиришга ёрдам берди. Шундай қилиб, дастлабки босқичда лапароскопик герниопластикага қарши кўрсатмалар: мураккаб гигант чурралар, чов-ёрғоқ чурралари, тўғриланмайдиган чурралар, юқори анестезиологик хавф, рецидив чурралар, қориннинг пастки қаватида илгари ўтказилган операциялар. Бунга қарамадан, назорат гуруҳидаги беморларда ТАРР амалиёти бажарилган, лекин нисбатан амалиётдан кейинги асоратларнинг юқорилиги, Лихтенштейн амалиётининг косметик аҳамияти, амалётдан кейинги асоратларини ҳисобга олиб, беморларни кўрсаткичлар билан қайта саралаб, керак бўлган усулни танлаш мақбул бўлади. Шу кўрсаткичлар билан асосий гуруҳ беморларда кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, герниопластиканинг турли хил таҳлил натижаларидан сўнг лапароскопик усулларнинг жуда самарадорлигини кўрсатди. Бироқ, техник қийинчиликлар, интра ва операцион асоратлардан кейин мининвазив герниопластикани амалга ошириш жараёнларининг камчиликларини ўрганиш талаб этилади. Стандарт ЕВЖ дан кейин назорат гуруҳидаги беморларнинг биз олган натижалари ЕВЖ ни бажариш босқичларини илмий таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатди.

Лапароскопик герниопластика мураккаб чов чурраларни даволашда танланган операция бўлиб, у кам шикастланишга эга, аммо интра ва операциядан кейинги асоратларнинг частотаси ЕВЖ технологиясини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Чуррани кесишда ЕВЖ анъанавий усулга нисбатан катта афзалликларга эга, шунинг учун ривожланган мамлакатларда чуррани Лапароскопик технологияга асосланиб бартараф этиш афзал кўрилади. Бугунги кунда техник жиҳатлар ЕВЖ ни чов ёки симултант операцияларини амалга оширишда қийинчилик туғдирмайди.

Сўнгги ўн йил ичида герниология жарроҳлигида турли хил ташқи қорин чурраларини тузатиш учун миниинвазив технологиядан тез фойдаланишни бошлади. Бироқ, илмий таҳлиллар ва олинган клиник натижаларни муҳокама қилиш кераклиги эътиборга молик.

Ҳар доим натижа сифатини яхшилаш учун беморларни саралаб чиқиш керак бўлади. Аммо, агар ЕВЖ дан кейин беморлар одатдаги ҳаётга эрта қайтмасалар ёки эрта даврда иш қобилятини тиклаш кузатилмаса, у ҳолда жарроҳлик амалиётлари анъанавий операциялардан сифат мезонлари бўйича ўзини оқламайди.

Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, мураккаб чов чурралари герниопластикасида стандарт ЕВЖ натижаларини ўрганиш ва амалиётларни амалга оширишнинг ҳар бир босқичини батафсил муҳокама қилиш, операциягача беморларни саралаш, аралашувларнинг камчиликларини аниқлаш ва уларни тузатиш ёки такомиллаштириш ушбу тоифадаги беморларни даволаш сифатини яхшилаши мумкин.

Биз назорат гуруҳидаги 110 беморни ўрганиб чиқдик, уларга стандарт усул бўйича ЕВЖ ва Лихтенштейн ўтказилди. Шу билан бирга, биз ЕВЖ технологияларига, бажарилиш босқичларига, интра ва операцион асоратлардан сўнг, чов чурра ва комбинацияланган жарроҳлик патологияси бўлган беморларда миниинвазив аралашувларнинг самарадорлигига эътибор қаратдик.

Лихтенштейн усули анъанавий тарзда барча беморларда ўтказишда қарши кўрсатмалар йўқлиги учун мақбулдир. Ушбу аралашув 60 (54.6%) беморда амалга оширилди. Даволаш жараёнида Лихтенштейн, албатта, ўзининг ижобий томони билан намоён бўлди. Операциядан кейинги эрта ва кеч даврда қорин бўшлиғи органларида ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмайди. Бироқ, чурра қайталаниш эҳтимоли ТАРР га нисбатан юқорилигича қолмоқда.

Трансабдоминал преперитонеал герниопластика биз томонидан 50 (45.4%) нафар беморда амалга оширилди. Диагностик лапароскопия босқичлари муаммо туғдирмади ва осонликча амалга оширилди. ТАРР нинг афзалликлари айнан шу босқич билан боғлиқ, яъни амалиётнинг диагностик қиймати билан.

Лапароскопия пайтида қорин бўшлиғи органларининг ҳолатини тўлиқ текшириш учун шароит яратилди.

Кўпгина ҳолларда (2.7%) қорин парданинг париетал варағини ажратишда мушак-апоневротик қатламнинг ва 2.7% ҳолларда уруғ тизимчаси элементлари тасодифий шикастланишлари қайд этилди, бу эса ўз навбатида идентификациялашда етарли даражада кўрилмаганлиги сабабли техник

қийинчиликлар бўлганлиги учун гематома пайдо бўлишига олиб келди. Операциядан кейинги даврда узок муддатли оғриқ синдромлари маҳаллий нерв толаларининг шикастланиши туфайли қайд етилди (1.8% ҳолатда).

ТАРР да интраоператив асоратлар 10.0% гача етди, шундан париетал варақни ажратиш билан боғлиқ муаммолар улуши 2.7% ни ташкил етди. Асосий муаммолар маҳаллий томирлар ва нервларнинг шикастланиши эди. Бундай ҳолатларда қорин парда париетал варағини операциянинг асосий босқичи сифатида хавфсиз равишда ажратиш усулини ишлаб чиқиш ўринли деб ҳисобланади. Шунингдек, жарроҳлик давридан кейин чов соҳасидаги оғриқ синдромлари, бизнинг фикримизча, протез материални маҳкамлашда ва париетал варақни тугатиш босқичида тиклашда ишлатилган степлернинг шохлари орасидаги нерв шохларининг зарарланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

II ва III даражали семизлик билан беморларда асосий техник қийинчиликлар бўлган. Операция давомийлиги икки марта ошди, бу нормал ТВИ билан беморларга қараганда ўртача $151,3 \pm 3,4$ дақиқагача ташкил қилди.

Мураккаб чов чурра учун ЕВЖ ни қўллаш, биринчи навбатда, касалликнинг қайталаниш сонини кескин камайтиришга имкон берди. Шундай қилиб, агар анъанавий даволанишни қўллаган беморлар гуруҳида, бизнинг маълумотларимизга кўра ва адабиётларга кўра, касалликнинг қайталаниши 10 дан 30% гача қайд этилган бўлса, ЕВЖ дан кейин бу кўрсаткич 1,5% гача камайтиришга имкон берди.

Шу билан бирга, назорат гуруҳидаги беморларда ЕВЖ ва Лихтенштейн натижаларини танқидий таҳлил қилиш қуйидаги камчиликларни аниқлашга имкон беради. ТАРР амалиётидаги асоратлар қуйидагилар: уруғ тизимчасининг томирларининг шикастланиши 3 (2.7%), пастки эпигастрал артериянинг шикастланиши 1 (0.9%), сон венасининг тармоғи зарарланиши 1 (0.9%) ҳолатда кузатилди. 1 (0.9%) нафар беморда чурра маҳсулоти ингичка ичак тўғрилаш мобайнида десерозланиши кузатилди. ТАРР амалиётидан кейинги кузатилган асоратлар: неврологик оғриқлар 5 нафар беморда (4.6%), чов гематомаси 4 нафар беморда (3.6%), чурранинг қайталаниши 1 нафар беморда (0.9%). Шу билан бирга Лихтенштейн амалиётидан кейинги асоратлар: Операциядан кейинги даврда амалиётдан кейинги соҳадаги яра серомаси – 3 (2.7%) нафар беморда, невралгик оғриқлар – 3 (2.7%) нафар беморда, чов гематома – 4 (3.6%) нафар беморда ва амалиётдан кейинги соҳа йиринглаши 3 (2.7%) нафар беморда кузатилди.

Бундан ташқари, ЕВЖ да бу каби асоратларнинг юқорилиги, бизнинг фикримизча, назорат гуруҳидаги беморларда операция турини танлашда беморларнинг кўрсаткичларини етарли даражада сараламаслик операциядан кейинги даврда юқоридаги асоратларнинг ривожланишига ёрдам берди. Мураккаб турдаги яъни Л.М.Нихус бўйича III Б, IV А, IV Б ва IV Д турдаги чурраси бор беморлар ЕВЖ йўли билан операция қилиш имкониятлари кўрилди. Мисол тариқасида, III Б турдаги чуррали беморлар ҳозиргача Лихтенштейн амалиётини қилиш тавсия етилади, лекин биз назорат гуруҳида бунга ўхшаш беморларни ТАРР амалиёти қилиб, натижаларини таҳлил қилиб кўрдик. Сабаби,

ЕВЖ билан асоратларнинг камайтиришга эришиш еди. Лекин мураккаб чуррали бундай беморларда асоратларнинг сезиларни даражада камаймаганлиги учун биз янгича тасниф яратиб беморларни кўрсаткичлар асосида операция усулини танлаш учун беморларни саралаб олиниши керак деб ҳисобладик.

Анъанавий усулларда бажарилган амалиётларнинг натижаларидан уларни янада яхшилаш мақсадида қуйидаги камчиликларни бартараф этишни талаб қилади.

1. Мураккаб чов чурраларда фойдаланиши қулай бўлган аниқ тасниф йўқлиги.

2. Беморларга индивидуал равишда амалиётдан олдин жарроҳлик ёндашувларини танланмаганлиги.

